

(ЎЗБЕК БИЛИМ ХАЙЪАТИ ЭЪТИБОРИГА)

Чигатой адабиёти ва тилига Навоийнинг килгон хизмати жуда улугдир. Бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеваси, менимча, ўша чигатой шевасидан ўзга эмасдир. Баъзи бир кишилар, Навоийдан анча кейин чиккан адиб ва шоирларимиздан бир-иккита соддарок ёзгонларини ушлаб олиб, уларни хаддан ташкари кўтармак билан наригини бир қадар туманлашдирмокчи бўлсалар ҳам, Навоий ўзбек тили ва адабиётида тегишлик юксак мавқеъини олгондир. Усмонли адабиётининг энг улуг вакили бўлгон Фузулийни машхур усмонли ёзгучиси Шамсиддин Сомибек Навоийдан кейинга қўйиб, кўрсатадир. Мана бу ҳам, Навоийнинг биргина ўзбек кавми адабиётида эмас, умум турк халқи адабиётида ҳам ўзига яраша жой олгонини кўрсатадир.

Тарихларнинг кўрсатишига қарагонда шу бир йил — бир ярим йил орасида улуг Навоийнинг вафотига 500 йил тўладир... 500 йил ўзбек-чигатой адабиёти тарихига аллаканча нарсалар берган, унда канча ўзгаришлар ясагон, жуда узун бир муддатдир. Ўз адибларига 5—6 асрлик бир тарих яшата билган халқлар унча кўб эмасдир. Демак, бизга ҳам шу бир йил орасида шундай катта бир шодлик, катта бир байрам ўтказишга тўғри келади.

Ватандошларимиз руслар Пушкиннинг ҳар 5 йили учун ҳам катта байрамлар ясайди. Гарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказилади. Бу тўғрида гапни қўзиб ўлтириш ҳолат эмас. Кўз билан кўрганимиз ҳам етиб ортарлиқдир.

Шунинг учун мен айтмоқ истаиманки, Навоийнинг 500 йиллигини биз ҳам тегишлик даражада тантана билан ўтказишга шу топдан ҳозирлана бошлайлик. Бу йўлда мен қуйидаги чораларни таклиф қилиб, ўзбек билим хайъатининг диққатини шунга жалб қилур эдим:

1. Ҳозирдан бошлаб яралик кишиларимиздан бир хайъат ташкил қилиб, 500 йиллик байрамни мумкин қадар тантана билан ўтказиш йўлини топмоқга ўшал хайъат вакил қилинсин.

2. Хайъат Навоийнинг босилмагон асарларини топиб, босдиришга лозим кўрулгонларини байрамгача босдириш чорасини кўрсун.

3. Навоийнинг мукаммал таржимаи холи ёздирилсун.

4. Навоийнинг шеваларидан терма бир асар тузулуб, нафис килиниб босдирилсун.

5. Навоий номига юкори ўкуш юртларининг адабиёт-тил факультетларида ўзбек талабалари учун стипендиялар очилсун.

6. Ўзбекистоннинг пойтахтида Навоийга хайкал тикилсун.

7. Баъзи бир ўзбек шаҳарларининг кўча исмлари Навоий отига кўюлсун.

500 йил. (Ўзбек билим хайъати эътиборига). — 20-йилларда авж олган ўтмишга, ўтмиш маданиятига нигилистларча муносабатда бўлиш тенденциялари соғлом фикрловчи зиёлиларни чуқур ташвишга солган. Чунки жаҳидчиликнинг илгор гоялари таъсирида тарбияланган кўплаб зиёлиларимиз миллатнинг ўзини таниши, ўзлигини англашида ўтмишнинг нечоғли муҳим омил эканини билганлар. Чўлпон Ўзбек билим хайъатига мурожаат қилиб ёзган, мазкур очик хат «Туркистон» газетасининг 1924 йил 23 сентябрь сонидан эълон қилинган.

Шамсиддин Сомибек (1850—1960) — машҳур турк шоири, адиби ва мутафаккири.

«Тарихларнинг кўрсатишмга қарагонда шу бир йил — бир ярим йил орасида улуг

Навоийнинг вафотига 500 йил тўладир...»

— фикримизча, бу ўринда матбаа хатоси ўтиб кетган ёки Чўлпон адашган. 1926 йилда, яъни Чўлпон айтмокчи яқин бир-бир ярим йил ичида Навоий вафотига 425 йил тўлар эди. Куйирокда эса муаллиф «Навоийнинг 500 йиллиги» тантаналари хакида гапиради. Чамаси, Чўлпон шоир вафотининг 425 йиллигини, ва кейинрок, таваллудининг 500 йиллигини нишонлашни назарда тутган.